# ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ

# АГРАРНОЙ НАУКИ УЗБЕКИСТАНА

# ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Журнал 2000 йил апрель ойида ташкил топган

Бир йилда 4 марта чоп этилади

Тошкент

2001. № 2 (4)


## МУНДАРИЖА

### Дончилик


*Курбонов F.Қ.* Арпанинг турлари ва навларини аниқлаш белгилари........ 7

*Кулиев Т.Х., Кушиев Ҳ.Х., Алиев F.Э.* Буғдой навларининг айрим белгилари ўртасидаги коррелятив боғланишлар........ 11


### Пахтачилик


*Вахабов А., Мирзаев О., Жўраев З.* Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига биогумуснинг таъсири........ 14


### Ўсимликшунослик


*Юнусов Р., Умаров К., Тўхтаев Ш.* Голландиядан келтирилган картошка навларини кўчат қалинлигини ҳосилдорликка таъсири........ 16


### Селекция ва уруғчилик


*Бўриев Ҳ.Ч., Рудакова А.Н., Хожимурадова М.* Ҳимояланган жойда етиштириш учун бодрингнинг нав ва дурагайлари........ 19

*Набиев С.М., Жалилов О.Ж., Саакова Н.А., Абуховская А.П., Хегай Е.В.* Сув билан таъминланганлик турлича бўлган шароитда ғўзанинг янги нав ва тизмаларида баъзи физиологик кўрсаткичларни ўрганиш........ 22

*Якубов М.М., Ҳайдаров Ў., Ашуров М., Набиева У., Усмонов Т.* Янги тизмаларнинг баъзи хўжалик белгилари........ 24

*Аманова М.Э., Рустамов А.С.* Ер ёнғоқнинг «Қибрай-4» янги нави........ 27

*Топволдиев Т., Худойбердиев Т.С., Насриддинов К.* Соя етиштириш агротехникаси, ҳосилдорлиги ва унинг мойлилиги ҳақида........ 29


### Ўсимликларни ҳимоя қилиш


*Шамуратова Н.Г.* Қорақалпоғистон беда далаларида зараркунанда ва энтомофаунанинг шаклланиши........ 32

*Шералиев А., Ниязова Х., Бухоров К., Ғиёсхонов А.* Фунгицидларнинг фузариум замбуруғларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири........ 34

Арипов Ш.Т. Лаборатория шароитида ўсимлик битлари ва уларнинг текинхўрларини кўпайтириш.. 36


### Қишлоқ хўжалигида микробиология


*Хамидова Х.М., Хамидова С.Х.* Trichoderma туркумига кирувчи айрим турдаги замбуруғларнинг морфологик, культурал хусусиятлари ва целлюлаза фаоллигини ўрганиш........ 40


### Деҳқончилик ва мелиорация


*Курвантаев Р., Халбердиева М.Р.* Тупроқ-сув тартиботига мульчаланган пушталарнинг таъсири...... 44

*Безбородов А.Г.* Мульчаланган тупроқнинг мелиоратив тартиботи ва пахта ҳосили........ 46


### Чорвачилик ва ветеринария


*Рўзимуродов А.Р., Мавлонов С.И.* Зоопаразитозлар нозологияси ҳақида........ 48

*Парманов Ж.М.* Ҳайвонлар пастериллёзини ўрганиш натижалари........ 50


### Агроиқтисодиёт


*Абдурахимов А.У.*, Ахметов К.А., Турсунхўжаев Н.И. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини алгоритмлаштириш асосида бошқариш........ 53

*Деҳқонов С., Мутахаров Л.* Ширкат хўжалигида мулкий пайни ҳисоблашни такомиллаштириш...... 55

## Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрификациялаш


*Мухаммадиев А., Қодирова Д.А., Умарова Г.Д., Стафорова Е.Ю.* Ғўзага электр таъсири бўлганда унинг физик-биологик механизмини ўрганиш. ....60

*Шкрабак В.С., Шкрабак В.В., Шкрабак Р.В., Башкиров С.А.* Трактор двигателини юргизишда хавфсизлик модели. .... 63

*Абдуғаниев З.А., Жабриев А.Н.* Қоракўл териларини қуритишда геоқурилмалар харорат тартиботини ўрганиш. .... 66


## Агроэкология


*Акжигитова Н.И., Алланазарова У.* Жанубий-Ғарбий Қизилқумда қир-адирларнинг антропоген чўлланиши .... 69

*Фимкин В.П., Байжанов К.К.* Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқларида суғоришнинг қайроғоч ва пенсильвания шумтоли уруғ кўчатларининг ўсиши ва сонига таъсири.... 70

*Ашурметов О.А., Штонда Н.И.* Ўзбекистон шаҳар ва аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш учун истиқболли ўсимликлар. .... 73


## Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар


*Ҳасанов Б.А., Зупаров М.А., Гулмуродов Р.А.* Ғўза касалликлари. 2. Вертициллёз сўлиш.... 76

*Гасанов З.М., Аббосов Г.Д* Азарбайжонда кўчатларни жойлаштиришнинг нок меваси сифатига таъсири. .... 81

*Мирзаев М.М.* Қуритилган узум сифатига гиббериллин моддасини таъсири. .... 84

*Кулиев Р.М.* Азарбайжонда ер реформалари.... 87

*Нигмаджанов У.Х.* Ўзбекистонда АСМнинг шаклланиш, ривожланиш босқичлари ва муаммолари..90


## Ҳамкорлик тажрибалари


*Содиқов Н.Н, Кариева Г.Г.* Илғор билимлар ва технологияларни иқтисодиётга тадбиқ қилиш.... ...93


## Қисқа ахборотлар


*Умаров З., Қаршибоев Х.Қ.* Тошкент вилояти шароитида кузги буғдой навларининг ҳосилдорлиги...98

*Болтаев М.* Бозор муносабатлари тараққий этган давлатларда деҳқон ва фермер хўжаликларни ривожлантириш тажрибаси. .... 99

*Санаев С., Азимов Б.Ж., Рустамов А.С.* Эртапишар картошка етиштириш учун янги бирламчи манбалар. 102

*Маннанов Р.Н.* Ғўза касалланишини биологик услуб билан ҳимоялаш. .... 103

*Турсунқулов С.Б.* Иқтисодиётни эркинлаштириш ва унинг асосий йўналишлири. .... 105

*Халимов И.И., Усмонов И.И.* Кузги буғдойни экиш меъёрини унинг ҳосилдорлигига таъсири. .... 107

*Рахимов Г.Н., Эгамназаров А.П., Ибрагимов Ф.Ю., Эргашев М.* Шолини такрорий экин сифатида экиш.108

*Саттаров Ш.* Чигит экиш билан қўлланиладиган янги гербицидларнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири... 109

*Эрназаров Ш.* Сув танқислиги шароитида такрорий мош етиштириш технологияси .... 110

*Адилов М.М.* Ош лавлаги илдизмеваларини ўстиришда озиқланиш майдони ва жойлаштириш схемалари. .... 112

*Нодиралиева Н., Султонова Н.* Истиқболли ипак қурти дурагайлари. .... 115

*Худайбердиев Т.С., Рўзиев Ш.* Қишлоқ хўжалик машиналари агрегатларининг иш унумдорлигини ошириш . .... 116

*Холиқов С., Ташкенбаева Ф.* Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини иқтисодий самарадорлигини ошириш. .... 118

*Жўраев Ё.* Тошкент вилояти шароитида қаттиқ буғдойнинг Истиқлол навини экиш меъёрини ўрганиш....120

*Якубов М.М.* Уруғни экишга тайёрлаш усуллари ва экиш чуқурлигини бақлажон ўсимлигининг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсири. .... 122

*Хушназаров А.,* Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари. ....124


## Бизнинг юбилярларимиз


*Т.С.Зокиров 70 ёшда*.... 126

выделена, однако они фактически её используют. В некоторых районах зарегистрированы случаи захвата земель частными лицами.

Такими образом, в условиях перехода к рыночным отношениям совершенствование землеустройства (землепользования), кредитнофинансовой и налоговой системы в аграрном секторе объективно необходимо. А предлагаемые конкретные меры и направления по их реализации могут оказать положительное воздействие на быстрейший выход сельского хозяйства из кризиса, что будет способствовать повышению эффективности всего агропромышленного производства республики.

*Азербайджанская Государственная Сельскохозяйственная Академия*

*Поступила 30 апреля 2001 года*

**Р.М. КУЛИЕВ**

***Азарбайжонда ер реформалари***

Ушбу мақолада ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун экин ерларини хусусийлаштириш, уни давлат монополиясидан чиқариб ташлаш, шундай қилингандагина ердан унумли фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва мулоҳазалар ҳамда камчиликлар аниқ баён қилиб берилган.

**R.M. KULIEV**

***The land reformation of Azerbaijan***

This article clearly enounces offers and discussions together with failures of privatizing the land for increasing productivi of land and improving of quality of product, enfranchisement of them from the state monopoly, the idea of its irreplaceability in productive using the land.

---

**ЎЎК 631.145**

**У.Х.НИГМАДЖАНОВ**

## ЎЗБЕКИСТОНДА АСМНИНГ ШАКЛЛАНИШ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Ҳар қандай бошқа иқтисодий ишлаб чиқариш мажмуаси сингари, агросаноат мажмуаси ўз ҳаётий йўли, шаклланиш ва ривожланиш босқичларига эгадир. Бу босқичларни тўғри ифодалаш учун агросаноат мажмуаси етуклигининг турли даражаларини – яъни ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий муносабатларнинг ўзаро ҳаракати ва ривожланишининг турли даражасини тавсифловчи ўлчов мезонлари зарур. Фикримизча, бундай мезонлар қуйидагича 4 турга бўлиниши мумкин:

I мезон - ижтимоий бўлиниш ва ҳамкорликнинг ривожланиш даражаси.

II мезон – агросаноат интеграциясининг кенг тарққий топганлиги ва унинг ташкилий-иқтисодий шакллари.

III мезон - мажмуа турли соҳаларининг бир-бири билан мувозанатда бўлиши ва мос келиши даражаси.

IV мезон - мажмуанинг пировард вазифалари моҳиятидан келиб чиқадиган мақсадларига эришиш даражаси.

Айтиб ўтилган мезонларга асосланиб, мамлакатимиз агросаноат мажмуасиниг шаклланиш босқичларини ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Бошланғич шароитларининг турлилиги, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси бир текис эмаслиги шунингдек, агросаноат мажмуасини ташкил этувчи айрим соҳаларнинг номутаносиб ҳолда шаклланиш холатлари туфайли бу босқичлар собиқ тоталитар тузумда белгиланган босқичлардан табиийки, фарқ қилади.

Фикримизча, Республикамизда агросаноат мажмуасининг шаклланиш жараёнини учта босқичга ажратиш мумкин.

I-боскич XX аср бошидан то 60 йилларнинг ўрталаригача, агросаноат мажмуаси бирламчи ижтимо-
й-иқтисодий ва моддий шарт-шароитларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичдир. Бу даврда ер
ва сув реформаси амалга оширилди, ирригация ва мелиорация ишлари ривожлана бошлади. машина
трактор станциялари тармоғи яратилди. Агросаноат мажмуаси шаклланишининг бошлангич даврларида
саноат ишлаб чиқариши фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошлангич қайта ишлови билан
шуғулланувчи кам сонли ва заиф корхоналар фаолиятида мужассам бўлган бўлса, I-босқич охирига келиб,
трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича кимё, енгил ва
озиқ-овқат саноатлари, металлургия каби соҳалар вужудга келиб, ривожини топди. Меҳнатнинг ижтимоий
ривожланиш тамойиллари асосида саноатнинг деҳкончиликдан ажралиш жараёни асосан I-босқич даво-
мида якунига етди

60 йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 56.4
фоизи саноат, 23,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 11 фоизи қурилиш, 2,9 фоизи транспорт ва алоқа
маҳсулотларини, 6.3 фоизи эса бошқа соҳалардаги маҳсулотни ташкил этган эди. Шу билан бирга оғир
саноат маҳсулоти умумий саноат маҳсулотининг 30,2 фоизини ташкил этган бўлса, енгил ва озиқ-овқат
саноати маҳсулоти 69.8 фоизни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалиги билан саноатнинг тегишли соҳалари
ўртасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқалари энди тўғридан-тўғри эмас, балки воситавий тарзда
ўсиб борилди. Бу эса соҳавий манфаатларнинг пировард мақсадлардан устун келишига шароит яратиб,
қишлоқ хўжалиги негизида озиқ овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига зарар етказди.

II- босқич қишлоқ хўжалигининг саноат билан узвий бирлашиши учун моддий ва ижтимоий-
иқтисодий шароитларининг етилиш давридир. 60-йилларнинг ўртасидан то Ўзбекистоннинг мустақилликка
эришгунига қадар бўлган даврни қамровчи бу босқичда агросаноат мажмуасининг бевосита шаклланиши
кузатилди. Бу босқич қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш моддий техника, ирригация ва мелиорация,
ҳамда сув базаларининг мустаҳкамланиши, мажмуа бошқа соҳаларининг миқдор ва сифат
кўрсаткичларининг кўпайтирилиши, меҳнат ижтимоий тақсимоти даражасининг ортиши, агросаноат кор-
хоналари, уюшмалари, илмий ишлаб чиқариш муассасалари тузилиши воситасида вертикал агросаноат
интеграцияси алоқаларининг вужудга келиш ҳолатларини тавсифлайди

Саноатнинг агросаноат мажмуасини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи соҳаларида
эса, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари, бошқа ер-
дамчи анжомларни ишлаб чиқариш ҳажми 29.9 фоизни ташкил қилиб, 2 ўринда эди. Минерал ўғитлар ва
ўсимликларни химоя қиладиган кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш эса, 45.5 фоиз бўлиб, энг катта
ҳажмни ташкил этган. Ялпи маҳсулот ва АСМ негизи бўлган қишлоқ хўжалиги миллий даромади 1965
йил кўрсаткичларига нисбатан деярли 5 баробар ўсишга эришиб, тегишли 13.9 млрд сўм ва 10.3 млрд
сўмни ташкил этди. Республика агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш тавсифи тўлиқ бўлиши учун шунга
айтиб ўтиш жоизки, охирги ўттиз йил ичида АСМнинг учинчи соҳаси - қайта ишлаш саноати янгидан
шаклланди.

Қишлоқ хўжалиги етиштирган хом ашёни қайта ишловчи саноат соҳаларида 53.3 фоиз маҳсулот озиқ-
овқат саноатига, жумладан гўшт ва сут, балиқ, дон-ун-ёрма ҳамда мол озиқасини ишлаб чиқариш саноат-
ларига тўғри келса, қолган 46.7 фоизини енгил саноат маҳсулотлари ташкил қилди. Шу билан бир қаторда
инфраструктура соҳалари шакллана бошлади, аммо уларнинг суст ривожланиши республикада АСМнинг
ривожланиш имкониятларини чекловчи рўкач бўлиб хизмат қилди. Нима бўлганда кам, АСМ фаолияти
жараёнларига боғлиқ бу тафсилотлар яқин ўтмишимизга тааллуқли бўлиб, улар АСМнинг ўша даврга хос
равишда ички умумиттифоқ миқёсида ихтисослаштиришнинг тор доиралари қўйган мақсадларни ифода-
лайди. Шуниси аниқки, АСМ ривожланиш даражаси қуйидаги келтирилган сабабларга кўра мамлакатнинг
янги сиёсий мақоми ва шакллана бораётган бозор муносабатларига мутлақо жавоб бермас эди:
-АСМ фаолиятининг барча жабҳаларига сингиб кетган номутаносиблик ва зиддиятлар, фақат хом ашё
етиштиришга қаратилган сиёсат;
-АСМ фаолияти техникавий ва технологик таъминотининг илм техника тараққиёти талабларига мос
келмаслиги;
-АСМда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга маркетинг хизмати йўқлиги ва кўпчилик маҳсулотларнинг
сифати пастлиги туфайли, бу маҳсулотлар дунё бозорида рақобатбардош эмаслиги;
-зот, насл, тур ва навларни танлаш ва тадбиқ этиши соҳаларидаги кечириб бўлмайдиган қолоқлик;
-сиёсий талабларга ёндошиш туфайли йиллар давомида ер ва сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш
натижасида вужудга келган экологик инқироз ва табиий мувозанатнинг бузилиши;

-меҳнат самарадорлигининг пастлиги туфайли агросаноат корхоналари [illegible] минимал эҳтиёжларини қондиришга етмаслиги.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришиши арафасида АСМ ўзининг асосий стратегик вазифасини бажара олмаганлиги равшан бўлди. Шунинг учун мамлакатимиз агросаноат мажмуасини ривожлантириш йўлида учинчи машаққатли, ҳаёти муҳим ва зарур босқични босиб ўтиши керак.

III босқич: тузилиши ва даражаси бўйича мувозанатлашган агросаноат мажмуасининг шаклланиш босқичидир. АСМ мамлакатнинг янги сиёсий мақомига хизмат қилиши, республиканинг мустақил иқтисодий негизини таъминлашда тўлақонли иштирок этиши лозим. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, АСМ тузилиши ва мазмунига кўра нафақат мустақил давлат эҳтиёжларини қондириши, балки бозор иқтисодиёти тамойиллари талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг асосий моҳияти АСМда пировард маҳсулот олиш ва пироворд маҳсулотнинг улушини кескин ошириш мақсадида, АСМ тузилишини қайта кўриб чиқишдир. Бунинг учун замонавий технологиялар асосида озиқ-овқат ва енгил саноат ишлаб чиқариш базасини бойитиб бориш ва мукаммаллаштириш лозим. Бозор, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар инфраструктураларини жадал тарзда шакллантириш ва ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Молиявий ресурслар шакллана боргани сайин АСМнинг биринчи соҳасини босқичма-босқич ривожлантириш лозим ва шу билан бир қаторда лизинг фаолиятидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш мақсадида, кишлоқ хўжалигини қайта тузиб (реструктуризация) чиқиш керак. Ҳозирги даврда сувни тежайдиган технологияларга ўтиш муаммоси долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бу вазифани бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Сув Кодексини ишлаб чиқиш ҳамда Суғориш Суви Истеъмолчилари Уюшмасини ташкил қилишни жадаллаштириш давр тақозосидир.

Шундай қилиб, ўтган 10 йил мобайнида АСМ фаолиятида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Эришилган барқарорлик XXI асрнинг бошланишида АСМда сифат ва миқдор ўзгаришлари томон илғор қадам ташлаш учун муҳим асос бўлиб қизмат қилади.

*Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлар институти*

*Кабул килинган вакти 19 март 2001 йил*

**Адабиётлар**

1.*Кадиров А.М.* Эффективность совершенствования структуры регионального АПК. «Фан» Т. 1990.
2.*Хусанов Р.Х.* Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. «Узбекистан». Т. 1994.

**У.Х.НИГМАДЖАНОВ**

***Становление, развитие и проблемы АПК в Узбекистане***

В связи с завоеванием Узбекистаном политической независимости на принципиально новой основе выделены этапы становления и развития агропромышленного комплекса республики.

**U. KH. NIGMADJANOV**

***The formation, development and problems of the agro-industrial complex***

In connection with Uzbekistan has become independence, the stages of formation and development of the agro-industrial complex of the republic have been written out .a new basis.

---